

Эй Солиҳ, мендан ибрат ол!



08:00 / 26.12.2019 2208

Абу Соиб Абдий айтади: «Солиҳ Муррий бизнинг олдимизга кирган эди, «Қаердан келяпсан, эй Абу Бишр?» дедим. Солиҳ шундай деди: «Уйимдан келяпман. Бу ерга келгунча кўп жойлардан ўтдим. Бир уйнинг олдидан ўтсам, уй менга: «Эй Солиҳ, мендан ибрат ол. Фалончи-фалончилар менинг бағримда яшашди, кейин рихлат қилиб кетишди. Яна бошқа фалончилар ҳам менинг бағримда ҳаёт кечирди. Улар ҳам рихлат қилишди», деди. Йўлимда давом этиб, яна бир уйнинг олдидан ўтдим. Ўша уй ҳам аввалгисига ўхшаб, «Эй Солиҳ, мендан ибрат ол, фалончи-фалончилар менинг бағримда яшади, кейин рихлат қилиб кетишди. Яна бошқа фалончилар ҳам менинг бағримда ҳаёт кечирди. Улар ҳам рихлат қилишди», деб нидо қилди». Солиҳ Муррий шу тарзда олдимизга келгунча ўтган уйларни бирма-бир тилга олди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан